



КРЕАТИВ, ИННОВАЦИОН ВА АНЪАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

PhD Дусмухамедов Ойбек
Ўзбекистон Миллий университети
ORCID: 0009-0000-8518-8572
oy_bek63@mail.ru

Аннотация. Мақолада анъанавий, инновацион ва креатив иқтисодий муносабатларнинг моҳияти ва амал қилиш механизмлари қиёсий таҳлил қилинган. Креатив иқтисодиётнинг ижодий фикр, интеллектуал мулк ва рақамли платформаларга таянадиган қиймат яратиш модели ёритилган. Инновацион иқтисодиётда технология ва илмий янгиликлар устуворлиги асосланган. Анъанавий иқтисодиётнинг моддий ресурсларга таянган тартиблари кўрсатилган. Таҳлил натижасида ушбу уч иқтисодий моделни ўзаро уйғун ривожлантириш миллий иқтисодиёт самарадорлигини ошириши қайд этилган.

Калит сўзлар: креатив иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, интеллектуал мулк, креатив фаолият, рақамли платформа, қиймат яратиш, инновация, инсон капитали, иқтисодий ривожланиш, стартаплар, дивергент фикрлаш.

КРЕАТИВНАЯ, ИННОВАЦИОННАЯ И ТРАДИЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

PhD Дусмухамедов Ойбек
Национальный университет Узбекистана

Аннотация. В статье проведён сравнительный анализ традиционных, инновационных и креативных экономических отношений. Раскрыта модель создания стоимости в креативной экономике, основанная на творчестве, интеллектуальной собственности и цифровых платформах. Показано значение научно-технологических новшеств в инновационной модели и роль материальных ресурсов в традиционной экономике. Сделан вывод о том, что гармоничное развитие указанных моделей способствует повышению эффективности национального экономического развития.

Ключевые слова: креативная экономика, инновационная экономика, традиционная экономика, социально-экономические отношения, интеллектуальная собственность, креативная деятельность, цифровая платформа, создание стоимости, инновации, человеческий капитал, экономическое развитие, стартапы, дивергентное мышление.

CREATIVE, INNOVATIVE AND TRADITIONAL ECONOMY: A COMPARATIVE ANALYSIS OF SOCIO-ECONOMIC RELATIONS

PhD **Dusmukhamedov Oybek**
National University of Uzbekistan

Abstract. *The article presents a comparative analysis of traditional, innovative, and creative economic relations. It elaborates the value-creation model in the creative economy, which is based on creativity, intellectual property, and digital platforms. The study highlights the significance of scientific and technological innovations within the innovative economic model and characterizes the reliance of the traditional economy on material resources. The findings indicate that the integrated and harmonious development of these economic models contributes to increasing the efficiency of national economic growth.*

Keywords: *creative economy, innovative economy, traditional economy, socio-economic relations, intellectual property, creative activity, digital platforms, value creation, innovation, human capital, economic development, startups, divergent thinking.*

Кириш.

XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб глобал даражада ахборот технологиялар индустрияси маҳсулотларидан миллий иқтисодиётларнинг турли тармоқларида кенг фойдаланилиши, жумладан, рақамли трансформациялашув ва роботизация жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши креативликка асосланган индустрия тараққиётини ҳаракатга келтириб, йилдан йилга “креатив иқтисодиёт” концепциясининг турли мамлакатлар иқтисодиётидаги аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Ушбу концепция моҳиятини таҳлил қилиш асосида унинг ижодий фаолият, интеллектуал мулк, инновация ҳамда маданий меросларга асосланган ҳолда қиймат яратиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимида намоён бўлиши аниқланди.

Шу билан биргаликда, ушбу концепция амал қилиши яхлит миллий иқтисодиётнинг инновацион ва креатив фаоллигини рағбатлантириш, ҳамда “креатив синфи”ни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг “драйвери”га айланишига олиб келади. Янги Ўзбекистон ислохотлари шароитида миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари кесимида инновацион фаолликни ошириш, жумладан, янги ғоя ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштирилишини рағбатлантиришга устуворлик қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, “креатив иқтисодиёт”нинг амал қилиши билан боғлиқ муносабатларни чуқур тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, креатив иқтисодиёт шароитида амал қиладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими анъанавий иқтисодий муносабатлар тизимларидан тубдан фарқ қилган ҳолда, ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнида устуворлик инсонларнинг ижодий салоҳиятлари ва ахборотга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Шу ўринда креатив иқтисодий муносабатларнинг амал қилиш табиатига баҳо бериш мақсадида унинг анъанавий иқтисодий муносабатлар билан қиёсий таҳлилини ўтказиш талаб этилади.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий фанда “креатив”, “инновацион” ва “анъанавий” иқтисодий муносабатлар тушунчаларини ёритишда турли иқтисодчи олимларнинг назариялари ва илмий қарашлари шаклланган. Жумладан **анъанавий иқтисодий муносабатлар** – классик иқтисодий мактаб вакиллари Смит (2011), Рикардо (2002), Милл (2011) каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган илмий назарияларда ишлаб чиқаришнинг асосий

омиллари сифатида ер, меҳнат ва капитални ажратиб кўрсатган ҳолда, “ижодий меҳнат”га устуворлик қаратилмаган.

Инновацион иқтисодий муносабатлар – янги технологиялар, илмий тадқиқотлар, ноу-хау, модернизация ва юқори қийматли маҳсулотлар яратишга қаратилган иқтисодий моделдир. Инновацион иқтисодиёт муносабатлари тизимининг амал қилиш хусусиятлари Шумпетер (1995), Твисс (1989), Фриман (1995), Санто (1990), Ротвелл (1994), Миллер (1993) каби олимларнинг илмий тадқиқотлари натижаларига асосланган.

Креатив иқтисодий муносабатлар – инсон ақлий меҳнати, ижодий ғоялар, интеллектуал мулк, дизайн, маданият, медиа ва санъатга асосланган иқтисодий механизмлардир. Ушбу йўналишда Лэндри (2005), Дж. Хокинса (2011), Дьяченко (2013), Хусмондхалқ (2002), Пан (2013), Жаров (2016) каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари эътиборга молик.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида анаъавий, инновацион ва креатив иқтисодиёт тушунчаларига ғарб мамлакатлари олимлари, тақдим этилган таърифлари таҳлил қилинган. Анаъавий, инновацион ва креатив иқтисодиёт тушунчаларини моҳияти ва ўзаро фарқли жиҳатлари диалектик, таркибий-таҳлилий, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, жамлаш, ҳамда тизимли таҳлил усуллари тадқиқот методологиясини ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Замонавий глобал иқтисодиётда иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиш механизмлари тез суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Жаҳон ҳўжалиги структурасида анъанавий иқтисодий моделлардан инновацион ривожланишга, кейинчалик эса креатив иқтисодиётга ўтиш жараёнлари кескин фаоллашди. Бу эса иқтисодий жараёнларнинг нафақат технологиялашуви, балки инсон интеллектуал салоҳияти, креатив фикрлаш ва рақамли имкониятлар билан янада бойишини таъминлади.

Янги Ўзбекистон ислохотлари шароитида миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари кесимида инновацион фаолликни ошириш, жумладан, янги ғоя ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштирилишини рағбатлантиришга устуворлик қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, “креатив иқтисодиёт”нинг амал қилиши билан боғлиқ муносабатларни чуқур тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, креатив иқтисодиёт шароитида амал қиладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими анъанавий иқтисодий муносабатлар тизимларидан тубдан фарқ қилган ҳолда, ривожланиш мақсадларига эришиш жараёнида устуворлик инсонларнинг ижодий салоҳиятлари ва ахборотга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Шу ўринда креатив иқтисодий муносабатларнинг амал қилиш табиатига баҳо бериш мақсадида унинг анъанавий иқтисодий муносабатлар билан қиёсий таҳлилини ўтказиш талаб этилади. Қиёсий таҳлилни ўтказишда иқтисодий фанда хорижлик Хусмондхалқ (2002), Пан (2013), Жаров (2016), Савина (2020), Дусмухамедов (2024) каби олимлар томонидан креатив иқтисодиёт амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш борасида ўтказган тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, ресурс устуворлиги, маҳсулот шакли, қиймат яратиш манбаи, тармоқ ва субъектлар, меҳнат тури, меъёрий-ҳуқуқий таъминоти, тақсимот тури, таъсир кўлами, иқтисодий ўсиш драйверлари, меҳнат унумдорлиги каби мезонлар кесимидаги таҳлил амалга оширилиб, унинг натижаларини 1-жадвалда келтириб ўтилди.

**“Креатив” ва “анъанавий” иқтисодиёт муносабатлари амал қилиш
хусусиятлари қиёсий таҳлили**

№	Қиёсий таҳлил мезонлари	Креатив иқтисодиёт	Анъанавий иқтисодиёт
1	Ресурс устуворлиги	Ижодий фикр, инновация, билим, интеллектуал мулк	Табиий, меҳнат ва молиявий ресурслар
2	Маҳсулот шакли	Ғоя, ахборот, рақамли контент, хизмат	Моддий ишлаб чиқариш (озик-овқат, кийим кечак, автомобиль ва ҳ.к.)
3	Қиймат яратиш манбаи	Ахборот оқими, ижодий инновация	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ишчи кучи ва моддий товарлар
4	Тармоқ ва субъектлар	Креатив синфлар, стартаплар, технологик платформалар	Иқтисодий субъектлар (корхона, фермер хўжаликлари, кластерлар ва ҳ.к.)
5	Меҳнат тури	Ақлий ёки интеллектуал меҳнат, креатив ишлаб чиқариш	Стандарт технологияларга асосланган жисмоний меҳнат
6	Меъёрий-ҳуқуқий таъминоти	Лицензиялаш, патентлаш, интеллектуал мулк ҳимояси ва муаллифлик ҳуқуқлари	Меҳнат ва мулк муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқлар
7	Тақсимот усули	Рақамли платформалар орқали бевосита тижорат қилиш	Бозорлар, савдо нуқта ва тармоқлари орқали маҳсулотни реализация қилиш
8	Таъсир кўлами	Чегарасиз, глобал даражада рақамли платформалар орқали	Макроиқтисодий ва минтақавий даражада
9	Иқтисодий ўсиш драйверлари	Инновацион ишланма, маданий маҳсулот, стартаплар	Тадбиркорлик фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги
10	Меҳнат унумдорлиги	Кам сонли юқори интеллектуал салоҳиятли ишчилар томонидан юқори қиймат яратилади	Янги иш ўринлари яратиш ва улар барқарорлигини таъминлаш асосида аҳоли бандлигини ошириш

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Шуни таъкидлаш муҳимки креативликнинг намоён бўлиши индустриал ижтимоий тизим томонидан оғриқли идрок қилинади ва уни тирик организм каби қарама-қаршилик – барқарорлик ва яхлитликка таҳдид сифатида белгилайди ҳамда ундан истеъмолчи онгини оммавийлаштириш, стандартлаштириш, инсонийликдан чиқариш, истеъмолчи онгини инсонпарварсизлик қилиш йўли билан уни муносабатларнинг пасив иштирокчиси сифатида бартараф этишга ҳаракат қилинади.

Шунингдек, Фромм (2005) фикрича: “Индустриал жамиятидаги шахснинг пасивлиги унинг энг характерли ва патологик белгиларидан бири бўлиб, у тўйинган бўлишни хоҳлайди, лекин ҳаракат қилмайди, ташаббус кўрсатмайди, овқатни ҳазм қилмайди, ўзига мерос қолган нарсадан унумли тарзда фойдаланмайди, балки тўплайди ёки истеъмол қилади”. Бундан кўриниб турибдики, замонавий иқтисодиёт инсонни мавжуд модели “Номо еconomicus”ни қайта кўриб чиқишни талаб қилади, чунки у чекланган ресурслар ва имкониятлар шароитида минимал инвестиция харажатлари билан максимал натижаларга эришиш истагига асосланади.

Ушбу модел инсоннинг дивергент имкониятларини ҳисобга олмайди, ушбу имконият креатив иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланади. Шахснинг иқтисодиёти даражасида эса “Номо еconomicus” моделидан “Номо creativus” моделига ўтиш амалга ошади. Натижада, иқтисодиётни креатив модели шахснинг ижодкорлик қиёфасига

асосланади. Бунда янги шахс эмас, балки янги ижтимоий характер яратилади. Шунинг учун бизнинг вазифамиз афсонавий "одам" ни эмас, балки эртанги кун цивилизацияси томонидан қадрланиши мумкин бўлган характер хусусиятларини излашдир (Тоффлер, 1999). Бизнинг фикримизча, креатив шахс жамиятнинг кейинги яшаши, номоддий ишлаб чиқаришнинг уйғун ривожланиши ва табиат билан биргаликда ривожланиши учун зарур бўлган шахснинг энг мақбул ва максимал эришиш мумкин бўлган моделидир. Дивергент тафаккур типига асосланган инсон моделининг асосий хусусиятлари бу муаммони англаш ва ўртага қўйиш қобилияти; тафаккур тезлиги яъни маълум бир вақт оралиғида юзага келадиган ғоялар сони; ғояларнинг оригиналиги ва интуитивлиги; муаммоларни ҳам этишда анализ ва синтез қилиш қобилияти; стереотип ва аҳамиятсиз нарсаларга қарши тура олиш ва ҳ.к.

Шунингдек, иқтисодий адабиётда ўтказилган кўп сонли илмий тадқиқотларда "инновацион иқтисодиёт" билан "креатив иқтисодиёт" муносабатлари ўртасидаги ўзаро фарқли жиҳатлар етарли даражада таҳлил этилмаганлиги сабабли, кўп ҳолатларда уларнинг ўзаро бир бири билан ўхшаш жиҳатларига таяниб, деярли бир хил муносабатларга асосланган деган хулосаларга келинганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ушбу икки муносабатлар тизими ўртасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни ажратиш заруриятини уйғотади. Ўтказилган қиёсий таҳлил натижалари 2-жадвалда келтириб ўтилди.

2-жадвал

"Креатив" ва "инновацион" иқтисодиёт муносабатлари тизимининг қиёсий таҳлили

№	Қиёсий таҳлил мезонлари	Креатив иқтисодиёт	Инновацион иқтисодиёт
1	Мақсади	Эстетик, маданий ва ахборот билан боғлиқ қиймат яратиш	Технологик янгилик яратиш ва иқтисодий самарадорлик
2	Ресурс устуворлиги	Ижодий фикр, маданият, интеллектуал мулк	Илмий тадқиқот ишлари, технология ва патентлар
3	Фаолият соҳалари	Дизайн, санъат, кино, реклама, маданият	Инженерия, ИТ, биотехнология, энергетика
4	Қиймат манбаи	Эмоционал таъсир, эстетика, брендинг	Илмий кашфиёт, техник-технологик самарадорлик
5	Тадбиркорлик фаолияти тури	Креатив тадбиркорлик (стартаплар, фриланс)	Технологик тадбиркорлик (стартап, инновацион корхоналар)
6	Технологиянинг роли	Асосан восита сифатида (рақамли платформа, медиа)	Асосий манба сифатида (инновация, патент, робототехника ва ҳ.к)
7	Меъёрий-ҳуқуқий асос	Интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқлари	Патентлар, лицензиялар, технологик сертификатлар
8	Айланма тезлиги	Балан (контент тез тарқалиб, вирус эффекти сезилади)	Ортиқда жараёнлар талаб қилинади (илмий тадқиқот, синовлар ўтказиш ва лицензиялаш)
9	Ижтимоий таъсири	Маданий ва ахлоқий қадриятларни тарқатади	Ишлаб чиқаришни оптимallasштиради, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради
10	Умумий хусусияти	Ижод, ахборот ва эстетикага асосланган	Илмий-техник инновация ва технологик ўзгаришларга асосланган

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Инновацион иқтисодиёт муносабатлари тизимининг амал қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган Шумпетер (1995), Твисс (1989), Фриман (1995), Санто (1990), Ротвелл (1994), Миллер (1993) каби олимларнинг илмий тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, ушбу иқтисодий муносабатлар тизимининг креатив иқтисодиёт шароитида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан мақсади, ресурс устуворлиги, фаолият соҳалари, қиймат манбаи, тадбиркорлик фаолияти юритиш тури, технологиянинг аҳамияти, меъёрий-ҳуқуқий таъминоти, айланма тезлиги, ижтимоий таъсири ҳамда муносабатлар тизимининг ҳар бири учун хос бўлган умумий хусусиятлари жиҳатларидан қиёсий таққослашга эришилди.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда, креатив, инновацион ва анъанавий иқтисодиётнинг амал қилиш хусусиятларини ўзаро қиёсий таққослаш асосида қуйидаги илмий хулосаларни олиш имкониятига эришилди:

биринчидан, анъанавий иқтисодий эса кўпроқ моддийликка асосланган бўлиб, бунда моддий ресурсларни стандарт технологиялар асосида қайта ишлаш ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутиб, бунда вужудга келадиган муносабатлар маҳсулотлар бозор айланмасининг физик кўрсаткичлари ҳамда самарали меҳнат тақсимотига асосланган бўлади. Қиймат яратиш нуқтаи назариядан бошқа иқтисодий муносабатлар тизимлари, жумладан, креатив иқтисодиёт тизимидан ҳам кам ҳажмлик қиймат яратилишига эришилади;

иккинчидан, креатив иқтисодиёт рақамли платформаларга асосланган ҳолда, ҳеч қандай чегара билмай, глобал даражада амал қилиб, интеллектуал ресурсларга асосланган, жадал ривожланиш ва етакчилик қилиш каби хусусиятларга инновацияларни реал ахборот манбаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилиши билан характерланади;

учинчидан, креатив иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётни тўлдирувчи ва унга қўшимча қиймат қўшиш имконини берувчи замонавий иқтисодий сегмент сифатида баҳоланиб, бир вақтнинг ўзида ҳар иккала иқтисодий муносабатлар тизимидан ўзаро мутаносибликда фойдаланилиши, уларнинг таркибий элементлари ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг кучайтириши юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятларини кенгайтиради.

тўртинчидан, креатив иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муносабатларда ижодий фаолият, маданий қадриятлар ва эстетик жиҳатларга асосланган ҳолда қиймат яратилади. Ушбу иқтисодий муносабатлар туркуми инсоний хис-туйғулар, ахборот ва дизайн орқали истеъмол бозорига ўз таъсирини ўтказди;

бешинчидан, “креатив” ва “инновацион” иқтисодиёт шароитида содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бир бирига яқин бўлиши мумкин ҳисобланади. Жумладан, креатив иқтисодиёт инновацион бўлиши, инновацион иқтисодиёт эса креатив ёндашув талаб қилиши мумкин бўлади;

олтинчидан, инновацион иқтисодиёт илмий жиҳатдан асосланган, технологик янгиликларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан характерланади. Инновацион иқтисодиёт амал қилиши шароитида миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини модернизациялаш ва уларнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга эришилади.

Шунингдек ўтказилган тадқиқотларимиз, кейинги йилларда мамлакатда креатив иқтисодиётни ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатди. Бугунги кунда мамлакатда “яшил иқтисодиёт”, “инновацион иқтисодиёт”, “рақамли иқтисодиёт” каби муносабатларни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларига устуворлик қаратилиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда, креатив иқтисодиётни ривожлантирилиши турли тармоқлар ўртасида креативликнинг кенг тарқалиши

ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради, деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Adam Smith's (2011) conceptual contributions to international economics: Based on the *Wealth of Nations*. *Business and Economic Horizons (BEH)*. Vol. 4, Issue 1, Jan, – pp. 108-119.

David Ricardo's (2002) *Discovery of Comparative Advantage*. *History of Political Economy*, Vol. 34 (4), Dec., – pp. 727-748.

Freeman C. (1995) *The «National System of Innovation»* // In: *Historical Perspective*. *Cambridge Journal of Economics*. – London: Pinter. – P. 28-53.

Hesmondhalgh D. (2002) *The Cultural Industries*. London, SAGE, - 290 p.

John Stuart Mill and the Art of Life. (2011) Edited by Ben Eggleston, Dale E. Miller, and David Weinstein. Oxford University Press, – 18 pages.

Miller R., Blais R.A. (1993) *Modes of innovation in six industrial sectors* // *IEEE Transactions on Engineering Management*. - № 40 (3). – P. 264-273.

Pan S.Y. (2013) *Confucius institute project: China's cultural diplomacy and soft power projection*, *Asian Education and Development Studies* 2(1): 22–33.

Rothwell R. (1994) *Towards the Fifth-generation Innovation Process* // *International Marketing Review*. – Vol. 11. – № 1. – P. 7-31.

Дусмухамедов О. (2024) “Kreativ iqtisodiyot” va “kreativ industriya”: mohiyati, nazariy jihatlarining tahlili/ avgust. № 8-son. “Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali.

Дьяченко О.В. (2013) Развитие инновационно-креативной экономики России на современном этапе, автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Москва, - 24 с.

Жаров Е.К. (2016) Новые экономические модели в системе постиндустриального развития общества // *Современные научные исследования и инновации*. – № 8. – С. 174–178.

Лэндри, Ч. (2005) *Креативный город [Текст]* / Ч. Лэндри. - Москва : Классика - XXI, - 399 с.

Савина О. (2020) *Творчество как товар. Как развивается креативная экономика в России?* / О. Савина // *ПОЛИТ.РУ*. – 24 авг.

Санто Б. (1990) *Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг. / Общ. ред. и вступ. ст. Б. В. Сазонова*. – М.: Прогресс, – 296 с.

Твисс Б. (1989) *Управление научно-техническими нововведениями : Пер. с англ. / Б. Твисс*. – М.: Экономика, – 271 с.

Тоффлер, Э. (1999) *Третья волна [Текст]* / Э. Тоффлер. - Москва : АСТ, - 784 с

Фромм, Э. (2005) *Революция надежды. Избавление от иллюзий [Текст]* / - Москва: Айрис-пресс,- 352 с.

Хоккинс, Дж. (2011) *Креативная экономика. Как превратить идеи в деньги [Текст]* / Дж. Хоккинс. - Москва : Классика - XXI, - 256 с.

Шумпетер Й. (1995) *Теории экономического развития. / Й. Шумпетер*. – М.: Экономика, – 540 с.